



Бакколлик дўкони ёнида туриб, пул алмаштиришни таклиф этаётганларнинг овози бозор шовкин-суронига аралшиб кетарди. Кўлларида рус коғоз пулларини ушлаган ёки хонликнинг «танга»сини халтачасига солиб юрган савдогарлар Оренбургга кетишда ёки Россиядан келганларида саррофларга мурожаат қилишарди. Зеро, улар пул алмаштиришни касб қилиб олган уддабурон кишилар эдилар..

1873 йилдан чоризм Хива хонлигини босиб олиб, қарам қилганидан сўнг воҳанинг савдо-сотик борасидаги ривожни Россияга боғлиқ бўлиб қолди. Натижада Оренбург орқали Россиядаги шаҳарларга бориб савдо қилувчилар ёки хонликка келган рус савдогарлари учун бозорлар ичида пул алмаштириладиган жойлар пайдо бўлди. Халқ бакколлик дўкони ёки сартарошхоналар ёнида пул алмаштирувчи кишиларни саррофлар деб атаган.

Маълумки, Хива хонлигида азалдан уч хил пул — олтиндан «пукта тилло» (ўн сўмлик), «тилло» (5 сўмлик) ҳамда қумуш ва мис тангалар зарб қилиниб, муомалада юрарди.

Хонлик чоризмга қарам бўлгач, воҳа бозорларига Россиянинг коғоз пуллариям қириб кела бошлади. Аммо халқ тилло ва тангани қадрли билиб, рус савдогарларининг коғоз пулларига молини сотмасди. Хонлик савдогарлари Россияга бормокчи бўлишса, у ерда коғоз пул муомалада юргани учун йўлда тилло ва танга олиб юришни хавфли деб билишарди. Шу боис аксарият ҳолларда тиллони эмас, қумуш ва мисдан зарб қилинган тангаларни Россия коғоз пулларига алмаштириб кетишга эҳтиёж пайдо бўларди.

Олдинлари Россияга қатнаб юрган баъзи уддабуронлар бундай йўл машаққатларини чекиб юргандан кўра, коғоз пулларни тангага алмаштириб, бевосита хонлик бозорларида юрганича ризқини тўплашга қарор қилишди. Шу таҳлит хонлик бозорларида табиий эҳтиёж туфайли пул алмаштирувчилар—саррофлар пайдо бўлди.

Бу пайтга қелиб, дарёнинг нариги соҳилида олдинги хонлик ерларида Петро Александровск (Тўртқўл) шаҳри пайдо бўлган ва у ерда Рус-Осиё банки иш бошлаганди. 1898 йили Петербургдаги молия вазирлиги ва давлат банки қарорига кўра, ана шу банкда хонликнинг ҳар бир тангаси 14 тийиндан баҳоланди. Яъни, пул курси бир танга — ўн тўрт тийин қилиб белгиланганди.

Аслида қумушдан зарб этиладиган танга учун ишлатилган қумушнинг пробаси (олтин, қумуш қабиларнинг софлик даражасини кўрсатувчи рақам) юқори бўлган. Петербург молия вазирлиги қорчалонлари Хива тангасининг оғирлигини 61, 44 доли, пробасини 959, 5, ўртача қийматини эса 14, 56 тийин қилиб Пойтахт Хива ва йигирмата бекликнинг гавжум бозорларида фаолият юритган саррофлар курсни юқоридагича, яъни бир танга—ўн тўрт тийин қилиб белгилаб, савдо қилишарди. Кўп микдорда рус коғоз пули керак бўлиб қолган Хоразм савдогарига Петро Александровск банкидан олиб келган пулни курс бўйича алмаштирадилар. Яъни, саррофлар банкдагилар билан «тил топишишганди».

Улар пул муомаласидаги қийинчиликдан фойдаланиб, Хива ва Россия савдогарларига таъсир кўрсатар, бойиб, ўз улушини банкдагиларга ва молия ишлари билан

шугулланувчи хон меhtarига бериб туришарди. Шу туфайли пошшоб, яъни хон миршаблари хам уларга тегмас, факат жанжал чикканидагина ишга аралашишарди. Саррофлар бозордаги бирор жойда ўтириб савдо килгани, пул алмаштиргани учун «патак пули» тўлашган.

Россиялик савдогарларнинг вохага кўплаб келиши ва хоразмлик хамкасблари у ерга борганида олиб келган рус когоз пулларни бу ерда алмаштиргани сабабли XX асрнинг биринчи ўн йиллигида танга пулга нисбатан когоз пул икки баробар кўпайиб кетди. 1910 йилда муомалада 2 млн. сўмлик хонлик пуллари ва 4 млн. сўмлик Россия пуллари ишлатилган. Аникроги, вақт ўтиши билан вохаликлар когоз пулларга ўрганиб, улар воситасида хам савдо килишга ўтганди.

Колаверса, 1910 йили Ферузхон вафот этгач, зарбхонада тилла тангалар босиш хам тўхтаб колди. Дунё бозорида кумуш казиб олиш кўпайиб кетгани боис унинг киймати тушган, Нижний Новгороддан кумушнинг хар бир кадогани (1 кадок-409,5 г) харид килиш кийин кечарди. Россия молия вазирлигининг таъсири туфайли кумуш «танга» пул микдорининг курси 1910 йилда бир танга — 10 тийин килиб белгиланган эди. Шу сабаблар туфайли 1911 йиддан кейин тиллолар огир кунга деб, сандикка босилгани холда тангалар аста-секин муомаладан чикиб кета бошлади. Унинг ўрнини Россиянинг когоз ва металл пуллари эгаллаб, халк бу пулларни ўрис пули, рубль, Николайнинг пули, деб атарди.

Зарурат йўклиги туфайли эса саррофлар ўз фаолиятини тўхтатиб, молия бозори «сахна»сидан тушиб кета бошлашди. Нима бўлганида хам улар киска фурсат, яъни 1875-1910 йиллар оралигида гоят бойиб, сарроф номини тарих сахифаларига мухрлашди.

Умид Бекмухаммад